

## **БАРЧАМИЗ ЖИПСЛАШСАК, КОРОНАВИРУСНИ АЛБАТТА ЕНГАМИЗ**

Маълумки, бугунги кунда короновирус инфекцияси дунёнинг 190 дан зиёд давлатларига тарқалиб, касалланганлар сони 537 мингдан, вафот этганлар 21 мингдан ошди. Мамлакатимизда ҳам вирус билан касалланганлар 27 март кунига келиб 88 тага етди. Афсуски, ушбу касаллик вилоятимизни ҳам четлаб ўтмади. Ҳозирги кунда вилоятда 6 нафар ҳамюртларимиз коронавирусдан азият чекмоқда. Уларнинг 5 нафари Ёзёвон туманида истиқомат қилувчи бир оила аъзолари эканлиги ташвишланарлидир. Шу кунларда вилоят ҳокими Шухрат Ғаниев шаҳартуманларда бўлиб, коронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳолатларни ўрганмоқда. Вилоят секторлари ҳамда хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари иштирокида аҳоли вакиллари билан ўtkазilaётган профилактик сұхбатларда бу борада мамлакатимизда жорий этилган тартиб-қоидалар тушунтириляпти. Бугунги синовли кунларда барчамиз жипслашсак, коронавирусни албатта енгишимиз таъкидланмоқда. 27 март куни вилоят ҳокими Шухрат Ғаниевни Ёзёвон туманида учратдик. Вилоят раҳбари туманнинг чегара худудида жорий этилган карантин постида вилоятимиз аҳолисига мурожаат қилди. Азиз фарғоналиклар! Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали барчамиз коронавирус пандемияси билан боғлиқ жараёнларни кузатиб бормоқдамиз. Мұхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва хукуматимиз томонидан бу оғатдан ҳалқимизни асрар бўйича таъсирчан чора-тадбирлар белгиланмоқда. Шу йилнинг 26 март куни давлатимиз раҳбари томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишиланган навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда айни вазиятдан келиб чиқсан ҳолда бир қатор устувор вазифалар белгиланди. Фидойи шифокорларимизнинг бугунги фаолияти жанг майдонидаги қаҳрамонликка тенглаштирилди. Бу соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида 5 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача бўлган мукофот пулларини бериш тартиби жорий этилди. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда короновирус инфекциясига қарши курашиш фаолиятига жалб этилган ҳар бир мутахассиснинг фидойилиги қаҳрамонликдир. Бу борада вилоятимизда ҳам 4 та сектор, хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари ҳудудларга бириктирилди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўtkазиб орқали ваҳима ва саросимага ҳожат йўқ эканлиги тушунтириляпти. Шаҳар-туманлардаги мавжуд ҳолат секторлар кесимида тиббиёт, санитария-эпидемиологик осойишталиги маркази мутахассислари, маҳаллий ҳокимликлар иштирокида ўрганиляпти. Бугунги кун ҳолатига 6 та короновирус инфекцияни юқтириш ҳолати аниқланган. Вилоятдаги 2 та санаторийда хориж давлатларидан чартер рейслари орқали олиб келинган 600 нафар Ўзбекистон фуқаролари карантин муддатини ўтамоқда. Вилоятимизда истиқомат қилувчи 1870 нафар аҳоли касалларка чалинганлар билан бирламчи ва иккиласми алоқада бўлганликда гумон қилиниб, уларнинг 670 нафари шифохона шароитида профилактик назоратда турган бўлса, 1200 нафари уй карантинига олинган. Таъкидлаш жоизки, вилоятда вазият барқарор. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган масофадан ишловчи маҳсус жиҳозланган транспорт воситалари доимий ҳаракатда. Санитария-гигиена осойишталиги бўйича тузилган тарғибот гуруҳлари ҳудудларда тушунтириш ишларини давом эттироқда. Ҳалқимиз телевидение ва оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам равишда амалга оширилаётган тарғибот ишлари туфайли коронавирус инфекцияси ва ундан ҳимояланиш борасида етарли маълумотга эга бўлмоқда. Оила аъзоларимиз, айниқса, нуронийлар ва фарзандлар учун бугун уй энг хавфсиз жой ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари, корхона-ташкилотлар фаолияти бир маромда давом этмоқда. Бозорларда нарх-наво ошиб кетишидан хавотирга тушишга мутлақо асос йўқ. Озиқ-овқат, доридармон ва бошқа кундалик зарурий маҳсулотлар захираси тўлиқ шакллантирилган. Қишлоқ хўжалиги юмушлари ўз муддатида бажарилиб, вилоятнинг барча ҳудудлари, хусусан, Ёзёвон туманида ҳам чигит экилмоқда, мевали боғлар барпо этиляпти. Таълимда таътил эълон қилинган шу кунларда ота-оналар зиммаларидағи масъулиятни жиддий ҳис этишлари зарур. Бундай пайтда инсонларни эзгуликка чорловчи, эзгу фазилатларни шакллантирувчи китоб мутолааси энг яхши даво эканлигини ёдимиздан чиқармайлик. Улуғ аждодларимиз, тарихий шахслар ҳақида жуда яхши китоблар чоп этилган. Замонамиз ёзувчи-шоирларини мароқ билан ўқишига тавсия этиш мумкин бўлган асарлари жуда кўп. Куни кеча 86 ёшида вафот этган Ўзбекистон ҳалқ шоири Охунжон Ҳакимовнинг айнан бугунги кун руҳиятига мос бўлган тарбиявий аҳамиятга эга шеърий мисраларини такрор ва такрор ўқиши мумкин. Бу каби синовли кунларда адабиёт ҳаёт мазмун-моҳиятини англатувчи улкан сабоқдир. Мұхтарам фарғоналиклар! Ҳозирги кунда вилоятимизда 430 минг нафардан зиёд ҳамюртларимиз пенсия ва нафақа пули олади. Ёлғиз кексалар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оиласалар давлатимизнинг алоҳида эътиборида. Ҳар бир фуқароси ҳаёти ва соғлиги учун қайғурадиган давлатимизга бугунги мушкул вазиятни енгишда камарбаста бўлишимиз лозим. Ўз бурчини сидқидилдан бажараётган мутахассисларнинг 1 / 2 маслаҳатларига қулоқ солайлик. Карантин тартиб-қоидаларига риоя этиб, маҳсус ниқобдан фойдаланайлик. Ниқоб руҳан соғлом бўлиб, вирусни енгишда кўмаклашади. Чунки касалликдан сақланишда ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Ўзимизни асрар орқали оиласиз, яқинларимиз ва

---

жамиятимизни асраган бўламиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкин, бугунги вазият ҳар куни, ҳар дақиқа Президентимиз ва ҳукуматимиз назоратида турибди. Мамлакатимиз бундай хавф-хатарларга қарши курашишда қудратли салоҳиятга эга. Шу боис хавотирланиш учун ҳеч бир асос йўқ!

**Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-03-26 15:31:21